

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАМАТМУСАЕВА ФОТИМА ШАЙДУЛЛАЕВНА**

**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА  
БИЛИАР ТИЗИМ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Маматмусаева Фотима Шайдуллаевна**

Вирусли гепатит билан касалланган болаларда билиар тизим  
ўзгаришларининг клиник-лаборатор хусусиятлари ..... 3

**Маматмусаева Фотима Шайдуллаевна**

Клинико-лабораторное особенности нарушений билиарной  
системы при вирусных гепатитах у детей ..... 23

**Mamatmusaeva Fotima Shaydullaevna**

Clinico-laboratory features of biliary system  
disorders in viral hepatitis in children ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАМАТМУСАЕВА ФОТИМА ШАЙДУЛЛАЕВНА**

**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА**  
**БИЛИАР ТИЗИМ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib245 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус (инглиз резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Туйчиев Лазиз Надирович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Таджиев Ботир Мирхашимович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ибадова Гулнара Алиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Вирусология илмий текшириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.С. Атабеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Т.А. Даминов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор, ЎзР ФА академиги

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Гепато-билиар тизим касалликлари овқат ҳазм қилиш аъзолари патологияси орасида кенг тарқалган касаллик бўлиб, барча ҳазм қилиш йўллари касалликларининг 40 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>. А, В ва С вирусли гепатитлар ўткир ва/ёки сурункали жигарнинг яллиғланиши билан кечадиган юқумли касаллик бўлиб, дунё бўйича тиббиёт соҳасида долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Вирусли гепатитларни ўткир ва сурункали шакллариининг кенг тарқалиши, ёмон оқибатлар билан яқунланиши юқори ижтимоий муаммоларга олиб келади. Болалар орасида учрайдиган В ва С вирусли гепатитлар нафақат гепато-билиар тизим касалликларининг асорати сифатида ривожланишига, балки бутун педиатрия соҳасида асоратли касалликларнинг кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин. В вирусли гепатитнинг махсус эпидемик жараёни замонавий шароитларда бу – вакцинопрофилактикадир. Болалар орасида В вирусли гепатити билан касалланиш охириги йиллар давомида 14,7 баробарга камайганлиги аниқланган бўлса, Республика бўйича В ўткир вирусли гепатит билан касалланиш улуши 2010 йилда 2,0, 2016 йилда 0,8 ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, касалланиш ушбу йилларда 2,5 баробарга камайгандир. Бу Республикамизда болаларни В вирусли гепатитга қарши эмлаш режали эмлаш календарига киритилиши билан боғлиқдир. Бироқ, охириги йилларда С вирусли гепатитининг кўп учраши кузатилмоқда. А ўткир вирусли гепатит билан касалланиш кўп йиллар давомида ўрганилганда (2010-2016 йй) 2016 йилда 100 000 аҳоли орасида 119,7 нафарни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 104,9 нафарни ташкил қилган<sup>2</sup>.

Жаҳонда вирусли гепатит билан касалланган болаларда билиар тизим ўзгаришларини ташхислаш ва даволашдаги клиник-лаборатор самарадорлигини такомиллаштиришга эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларга, болалардаги вирусли гепатитнинг реконвалесценция даврида билиар тизим ўзгаришларининг учраш даражаси ва тузилмасини, билиар тизим ўзгаришларининг клиник-лаборатор хусусиятларини, вирусли гепатитни реконвалесценция давридаги билиар тизим шикастланишига хос бўлган ўт суюқлигининг микроскопик ва биокимёвий кўрсаткичларини, ҳамда билиар тизим аъзоларининг мотор фаолиятини, болаларда билиар тизим ўзгаришлари мавжуд вирусли гепатитларнинг реконвалесценция даврида эссенциал фосфолипидларни ўт суюқлигининг таркибига патогенетик самарадорлигини ҳамда глицирризин кислотасининг В ва С вирусли гепатитларга вирусга қарши таъсирини ўрганиш касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар механизмини яратиш, касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Минушкин О.Н. и др. Функциональные расстройства кишечника и желчевыводящих путей. Лечебные подходы, выбор спазмолитика// Лечащий врач. - 2012. №2. - С.64-67

<sup>2</sup> ССВ статистик ҳисоботлари 2016

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>3</sup>да мамлакатимизда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш...» аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Вирусли гепатит ўтказган болаларда билиар тизим ўзгаришларини эрта ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усулларни ишлаб чиқиш ва бажариш зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертант тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида болаларда ўткир вирусли гепатитдан сўнг ривожланадиган билиар тизим ўзгаришларининг замонавий этиологик тузилиши бўйича яқин ва узоқ чет эл адабиётларида кенг ёритиб келинмоқда (Chalasanı N., et al, 2012; Минушкин О.Н., 2015). Чет эл ва маҳаллий адабиётларда сурункали вирусли гепатитларни даволашда Фосфоглив препаратининг самараси бўйича маълумотлар кенг тақдим этилган (Miyake K., et al, 2009; Иноятова Ф.И. ва ҳамм., 2008). Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу муаммо юзасидан, санокли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, педиатрия амалиётида билиар тизим ўзгаришларига эссенциал фосфолипидлар ва глицирризин кислота препаратларининг самарасини баҳолаш бўйича маҳаллий тадқиқотлар мавжуд эмас.

Ўзбекистонда вирусли гепатитлардан кейин ривожланадиган билиар тизимидаги ўзгаришларни ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд (Ф.С. Саипов, 2000; Д.В. Рузметов, 2004; Г.Н. Собирова, 2006 ва б.), бироқ улар кўпроқ катта ёшлиларда вирусли гепатитнинг сурункали кечишига бағишланган бўлиб, ушбу тадқиқотларда ўткир вирусли гепатит реконвалесцент болаларда билиар тизим ўзгаришларини тузилишига оид

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

маълумотлар чегараланган, ҳамда ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунингдек, вирусли гепатит реконвалесцент болаларда билиар тизим ўзгаришларини даволаш бўйича ЎзР ССВ «Вирусли гепатитларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни янада такомиллаштириш тўғрисидаги» 2012 йил 5 январда чиқарилган 5-сонли буйруғида ҳам умумий тавсиялар берилган бўлиб, билиар тизимдаги гипо- ва гипертонусли ўзгаришларда алоҳида ёндошиш бўйича кўрсатмалар келтирилмаган.

Ушбу йўналишдаги бемор болаларни даволаш тартибининг замонавий тактикасини ишлаб чиқариш диссертация тадқиқотини ўз вақтида бажарилганлигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Атроф муҳитнинг баъзи омилларини ҳисобга олган ҳолда, болаларда тарқалган вирусли ва бактериал инфекцияларнинг этиологияси, патогенези, кечиши ва оқибатлари, ташхисланиши, даволаниши ва олдини олишни мукамаллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш» (2011-2016 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** вирусли гепатит билан касалланган болаларда билиар тизимни функционал-яллиғланишли ўзгаришларининг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш ва уни мувофиқлаштириш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда А, В ва С вирусли гепатитни реконвалесценция даврида билиар тизим ўзгаришларининг учраш даражаси ва тузилмасини ўрганиш;

болаларда А, В ва С вирусли гепатитни реконвалесценция даврида билиар тизим ўзгаришларининг клиник-лаборатор хусусиятларини таҳлил қилиш;

болаларда А, В ва С вирусли гепатитни реконвалесценция даврида билиар тизим шикастланишига хос бўлган ўт суюқлигининг микроскопик ва биокимёвий кўрсаткичларини, ҳамда билиар тизим аъзоларининг мотор фаолиятини аниқлаш;

болаларда билиар тизим ўзгаришлари мавжуд А, В ва С вирусли гепатитларнинг реконвалесценция даврида эссенциал фосфолипидларни ўт суюқлигининг таркибига, ҳамда глицирризин кислотасининг А, В ва С вирусли гепатитларга вирусга қарши самарадорлигини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида вирусли гепатит билан касалланган ва билиар тизимида ўзгаришлари мавжуд ёки мавжуд бўлмаган, жами 228 нафар 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган реконвалесцент болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** вирусли гепатит ўтказган ва билиар тизимида ўзгаришлари бўлган реконвалесцент болаларда ўт суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида ўт суюқлиги, қондаги биокимёвий ва серологик текширувларни ўтказиш учун веноз қон таҳлил материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун тадқиқотда умумклиник, серологик, микроскопик, биокимёвий, юпқа қаватли хроматография, статистик текширув усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

А, В ва С вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда қонда 5-нуклеотидаза ферментининг ортиши билиар тизим ўзгаришларига хос биокимёвий маркер эканлиги исботланган;

А, В ва С вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизим аъзоларининг мотор фаолияти типини ва вирусли гепатитларнинг ўт суюқлиги физика-кимёвий таркибини махсус ўзгаришига олиб келиши исботланган;

А, В ва С вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизим ўзгаришлари мавжуд бўлганда ўт суюқлигидаги фосфолипид ҳамда ўт кислоталари спектридаги моддалар мувозанатининг бузилиши исботланган;

А, В ва С вирусли гепатит ўтказган болаларда реконвалесценция даврида билиар тизим патологиялари ривожланишининг олдини олишда эссенциал фосфолипидлар ва глицирризин кислотасининг таъсирини асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

А, В ва С вирусли гепатит ўтказган болаларда реконвалесценция даврида билиар тизим патологияси ривожланишини башорат қилиш учун 5-нуклеотидаза ферментини текшириш тавсия этилган;

вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизим шикастланишида (5-нуклеотидаза ошиши) мазкур тизим аъзоларининг мотор фаолиятини (фракцион дуоденал зондлаш) ва ўт суюқлигининг таркибини (микроскопик, биокимёвий усуллар) текширувдан ўтказиш асосланган;

А, В ва С ўткир вирусли гепатит ўтказган болаларда билиар тизим патологияси ва унинг асоратларини ривожланишини, реконвалесценция даврида касалликларни сурункали жараёнга ўтишини олдини олиш ва вирус элиминациясини яхшилаш мақсадида даволаш схемасига эссенциал фосфолипид ва глицирризин кислотасини биргаликда қўллаш натижаси асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, серологик, микроскопик, биокимёвий, юпқа қаватли хроматография, статистик текширув усуллар ёрдамида ишлов берилган. Вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизимдаги ўзгаришларнинг ўта хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизим ўзгаришларининг келиб чиқиш сабаблари, таъсир этувчи омиллар, ўт суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичлари, билиар тизим



аъзоларининг тонус ҳолатини маълум қилиб, билиар тизимга хос клиник белгилар кўрикларга ажратилган, ҳар бир кўрикда энг кўп кузатиладиган клиник-лаборатор белгилар аниқланган ва уларни бартараф қилиш бўйича чоралар таклиф қилинган. Юқумли касалликлар шифокорларига вирусли гепатит ўтказган болалардаги билиар тизим ўзгаришларини илк даврларда ташхислаш усуллари белгиланган, билиар тизимга хос клиник, серологик ва ўт суяқлигининг микроскопик, биокимёвий кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган, болаларда билиар тизим ўзгаришларини даволаш схемаларининг самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар орасида билиар тизим ўзгаришларини даволаш тактикасини танлашга бўлган такомиллаштирилган ёндошишнинг асоси бўлди, бу эса болаларда билиар тизим ўзгаришларини даволашнинг клиник, серологик ва биокимёвий самарадорлигини оширишга имкон берди. Эссенциал фосфолипидлар ва глицирризин кислотани қўллаш билан вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизимидаги асоратларни олди олинган ва ногиронликни камайтириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вирусли гепатит билан касалланган болаларда билиар тизим ўзгаришларининг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўткир вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда реабилитация қилиш усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 майдаги 8н-д/101–сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўткир вирусли гепатит билан касалланган болалар орасида билиар тизим патологияларини эрта ташхислаш, самарали даволаш ва реабилитация қилиш тизими тартибини шакллантириш имконини берган;

ўткир вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизим патологияларини ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш, касалликнинг асоратларини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси ва Тошкент шаҳар Яшнобод туман бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 9 январдаги 8н-д/91–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши касалликни даволаш самарадорлигини ошириб, келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш, реабилитация даврини 60 кунга қисқартириш ва ногиронликни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 11 та

мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ва 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда ўт чиқарув йўллари патологиясининг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобда болалар орасида ўт чиқарув йўллари патологиясининг эпидемиологияси, келиб чиқиш сабаблари ва патогенези хавфининг омиллари, болаларда ўт чиқарув йўллари патологияси кечишининг ўзига хос хусусиятлари, хавф омиллари, ўт суюқлигининг микроскопик, биокимёвий хусусиятлари ва даволашга бўлган ёндошишлар тўғрисидаги замонавий маълумотлар келтирилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ўрганишнинг зарурлиги асослаб берилган, шунингдек мазкур муаммонинг ечилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи жиҳатлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда билиар тизим ўзгаришларини текшириш клиник материали ва тадқиқот усуллариининг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Тадқиқот 2011-2016 йиллар давомида олиб борилган. Клиник материал ЎзР ССВ ЭМЮК илмий текшириш институти ва Шаҳар 1-сонли юқумли касалликлар клиник шифохонасида йиғилган. Тадқиқот давомида тиббиёт муассасаларида даволанаётган А, В ва С ўткир вирусли гепатит билан касалланган 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 228 нафар болалар текширилган. Бемор болалар тасодифий танлов асосида текширилган (1-расм). А, В ва С ўткир вирусли гепатитлар ва ундаги билиар тизим ўзгаришларини комплекс даволаш курсига эссенциал фосфолипидлар ва глицирризин кислотанинг қўшилгандаги самарадорлигини аниқлаш учун когорт проспектив текширув ўтказилди. Эссенциал фосфолипидлар ва глицирризин кислота сақловчи дори воситаси сифатида Фосфоглив дори воситаси қўлланилди. Фосфоглив дори воситасини тавсия қилиш, ушбу воситанинг тиббий қўлланмасига мос ҳолда амалга оширилди.

Кузатувимиздаги болаларда даволашгача ва даволашдан кейинги клиник-лаборатор кўрсаткичлардаги ўзгаришлар А вирусли гепатит реконвалесцент

болаларда 3 кўрик давомида, В ва С вирусли гепатит реконвалесцент болаларда 4 кўрик давомида ўрганилди. Бу кўриклар реконвалесценциянинг турини (эрта ёки чўзилган) аниқлашга ёрдам берди.



**1-расм. Кузатувдаги ўткир вирусли гепатит билан касалланган болаларнинг учраш даражаси**

1 ойдан 3 ойгача бўлган муддат ичида вирусли гепатитларнинг клиник-лаборатор кўрсаткичларидаги ижобий ўзгаришлар эрта реконвалесценция деб ҳисобланди, чўзилган реконвалесценция эса А вирусли гепатит болалар учун 3 ойдан 6 ойгача, В ва С вирусли гепатит реконвалесцент болалар учун 3 ойдан 12 ойгача муддатни ташкил этди: 1-кўрик – касалликнинг ўткир даври ўтгандан 1 ойдан кейин; 2-кўрик – касалликнинг ўткир даври ўтгандан 3 ойдан кейин; 3-кўрик – касалликнинг ўткир даври ўтгандан 6 ойдан кейин; 4-кўрик – В ва С вирусли гепатит касаллигининг ўткир даври ўтказгандан 12 ойдан кейин.

Юқоридаги тўрт кўрикда вирусли гепатит билан касалланган реконвалесцент болаларда билиар тизимида ўзгаришлари мавжуд (асосий гуруҳ) ва мавжуд бўлмаган (назорат гуруҳ) болаларда клиник-лаборатор, инструментал ва ўт суюқлиги таркибидаги кўрсаткичлар динамикасининг солиштирма таҳлили ўтказилди.

Тадқиқотда қуйидаги текширув усуллари қўлланилди.

Умумклиник текширув усуллари анамнестик, эпидемиологик маълумотлардан, бемор болаларнинг умумий ҳолатини баҳолаш, гепатобилиар тизим аъзоларининг зарарланганлигини аниқлашдан иборат бўлди. Лаборатор текширувлардан умумий қон, қоннинг биокимёвий текшируви (5-нуклеотидаза), умумий пешоб ва умумий нажас таҳлиллари ўтказилди. Реконвалесцент болаларда ўт суюқлигини биокимёвий текшириш учун фракцион дуоденал зондлаш ўтказилди.

Ушбу болаларда гепатобилиар тизим аъзолари – жигар, ўт пуфаги ультратовуш текширувлари АЛОКА D - 630 (Япония) аппаратида чизиқли (5 МГц) ва конвекцион (3,5 МГц) датчиклар ёрдамида текширилди.

Қон зардобининг серологик текширувида, асосан А, В ва С вирус антигени ва унга қарши ишлаб чиқарилган антитаначалар (маркерлар)

иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида, гепатит В и С вируслари эса полимераз занжир реакция (ПЗР) усулида аниқланди.

Ўт суюқлиги фракцион дуоденал зондлаш усули ёрдамида 5 фазада ажратиб олинди (А.А.Ильченко, 2010). Бундан ташқари, барча ўт суюқлигининг А, В ва С порциялари микроскопик текширувдан ўтказилди.

Ўт суюқлиги биокимёвий параметрларини текшириш мақсадида жигар тикланиш даражасини кўрсатувчи ўт суюқлигининг «С» порцияси олинди. Чунки бу порция ўт суюқлигининг жигардан ажралиб чиқадиган фракцияси бўлиб, кўпроқ жигар паренхимасида ва Диссе бўшлиғида бўладиган биокимёвий жараёнларни ўзида акс эттиради. Юпқа қаватли хроматография усули ўт суюқлиги биокимёвий таркибини аниқлаш мақсадида қўлланилди. Бунда ўт суюқлигининг калит компонентларидан билирубин, холестерин ва ўт кислоталари, ҳамда холатохолестеринли коэффицент (ХХК) аниқланди. Ўт суюқлигининг фосфолипидли таркибини аниқлаш мақсадида умумий фосфолипид ва унинг фракциялари текширилди. Ўт суюқлигидаги липидлар Блай ва Даэр модификацияси (2003 й.) бўйича Фолч усулида (2008 й.), билирубин Н.П. Скакун усули ёрдамида текширилди. Умумий фосфолипидларнинг миқдори ноорганик фосфорни сақланиш миқдorigа кўра ажратилди. Фосфолипидларнинг қуйидаги фракциялари алоҳида аниқланди: лизофосфатидилхолин, сфингомиелин, фосфатидилхолин, фосфатидилэтанолламин. Баъзи бир фосфолипидлар минимал миқдорда бўлганлиги сабабли (фосфатидилинозит, фосфатидилсерин, фосфатид кислота, кардиолипин ва фосфатидилглицерин) уларни биз «бошқа фракциялар» номи билан бирлаштириб атадик. (В.А. Максимов, А.Л. Чернышов, К.М. Тарасов, 1998).

Ўт суюқлиги таркибидаги ўт кислоталарининг концентрацияси Я.И. Карбач усули бўйича, фруктоза, олтингугурт ва ўт кислоталарининг ўзаро рангли реакцияси асосида аниқланди. Текширув натижалари холат кислоталарининг аналогик таркибининг калибрли қийшиқ чизиғи (мг%) асосида ҳисобланди (С.Н. Мехтиев, В.Б. Гриневич, Ю.А. Кравчук, Р.Н. Богданов, 2007).

5-нуклеотидаза ферментининг қон зардобидаги миқдори иммунофермент таҳлил усули ёрдамида аниқланди (Т.Диксон ва М.Пурдон усуллари бўйича, 2009 й.). Ферментнинг қон зардобидаги меъёрий кўрсаткичи 11-122 нмоль/л ташкил этади.

Олинган натижалар Windows фирмасининг компютерида Excel-2010 программасида Фишер-Стъюдентнинг t-критериясини қўллаб вариацион статистик стандарт усуллар билан ишланди. Ўртача қийматлар  $M \pm m$  (ўртача  $\pm$  ўртача хатолик) кўринишида берилган. Ишончлилики баҳолаш учун иккала кузатув гуруҳидаги натижаларнинг фарқи Фишер мезони (мутлоқ кўрсаткичлар)дан фойдаланилди.  $P < 0,05$  бўлганда натижалар ишончли ҳисобланди. а - квадратик силжиш, т - ўртача квадратик хатолик, r - корреляция коэффиценти билан белгиланди. Олинган маълумотлар ва графикалар ЭХМ типидagi «Пентиум-4» компютерларида стандартларни

(«MS Excel-7», «Statistica 6.0») қўллаган ҳолда махсус дастур асосида ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**А, В ва С ўткир вирусли гепатит билан касалланган болаларда реконвалесцент муддатларига боғлиқ равишда клиник-лаборатор ва инструментал белгиларнинг учраш даражаси**» деб номланган учинчи бобида А, В ва С ўткир вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болалардаги билиар тизим ўзгаришларининг клиник-лаборатор ва инструментал натижаларининг солиштирма таҳлиллари келтирилган.

Кузатув остига ўткир вирусли гепатит билан оғриган билиар тизимида (БТ) ўзгаришлари мавжуд бўлган 172 нафар болалар олинган. Шундан 135 нафари (78,5%) ЎВГА, 25 нафари (14,5%) ЎВГВ ва 12 нафари (7%) ЎВГС ўтказган реконвалесцент болалардир. Ушбу болалар тадқиқотимизда асосий гуруҳ ҳисобланди. Назорат гуруҳида эса умумий 56 нафар болалар бўлиб, шундан 30 (53,6%) нафари ЎВГА, 12 (21,4%) нафари ЎВГВ ва 14 нафари (25%) ЎВГС ўтказган, бироқ БТда ўзгаришлари бўлмаган реконвалесцент болалар олинди.


ЎВГА ўтказган асосий гуруҳ болаларда 1-кўрик даврида назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан диспептик синдромдаги оғиз қуриш ва аччиқ таъм бўлиши белгиси 3,8 баробар (77,8% ва 20% мос равишда;  $P<0,003$ ), қорин дам бўлиши (метеоризм) белгиси 3,3 баробар (65,2% ва 20% мос равишда;  $P<0,003$ ) кўпроқ кузатилиши қайд этилди. Астеновегетатив синдромдаги ҳолсизлик, ҳамда бош оғриши ва айланиши белгилари асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан 3,9 баробар (65,2%/16,7% ва 65,2%/16,7% мос равишда;  $P<0,003$ ) кўпроқ кузатилди. Жигар ўлчамларининг катталаниши белгиси асосий гуруҳдаги 77,8% болаларда кузатилган бўлса, назорат гуруҳидаги 36,7% болаларда кузатилди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишочли бўлиб ҳисобланди ( $P<0,003$ ). 2-кўрик вақтида жигар ўлчамларининг катталаниши назорат гуруҳ болаларда фақат 10% болаларда кузатилиб, асосий гуруҳ болаларига нисбатан 4,1 баробарга кам эканлиги қайд этилди (10% ва 41% мос равишда;  $P<0,001$ ).

ЎВГВ ўтказган асосий гуруҳ болаларда назорат гуруҳига нисбатан 1-кўрикда диспептик синдромдаги кўнгил айниш ва қайт қилиш белгилари 2,7 баробар (68% ва 25% мос равишда;  $P<0,003$ ), иштаҳа пасайиши белгиси эса 3,4 баробар кўп қайд этилганлиги аниқланди (84% ва 25% мос равишда;  $P<0,001$ ). Астеновегетатив синдромдаги бош оғриши ва айланиши белгилари асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан 2,8 баробар кўп ҳолларда кузатилди (68% ва 25% мос равишда;  $P<0,003$ ). Жигар ўлчамларининг катталаниши белгиси иккала гуруҳ болаларда ҳам нисбатан юқори фоизларда кузатилди ва орасидаги фарқ 1,6 баробарни ташкил этди (асосий гуруҳ 68,0% ва назорат гуруҳ 41,7% мос равишда;  $P<0,05$ ). 2-кўрикда асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан жигар ўлчамларининг катталаниши ва жигарнинг ўртача қаттиқликда бўлиши белгилари 4,7 ва 6,7 баробар кўп кузатилиши қайд этилди (80%/16,7% ва 56%/8,3% мос равишда;  $P<0,001$  ва  $P<0,001$  мос равишда).

ЎВГС ўтказган болаларда 1-кўрикда астеновегетатив синдромдаги ҳолсизлик белгиси асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан 7 баробар кўп учради (50,0% ва 7,1% мос равишда;  $P<0,05$ ). Бўғимлардаги оғрик

белгиси назорат гуруҳидаги болаларда асосий гуруҳдаги болаларга нисбатан 2,9 баробар кам кузатилди (14,2% ва 41,6% мос равишда;  $P < 0,003$ ). 2-кўриқда фақат жигар ўлчамларининг катталашини ва жигарнинг ўртача қаттиқликда бўлиши белгилари назорат гуруҳ болаларида асосий гуруҳ болаларига нисбатан ўртача 6,4 баробар кам кузатилди ва ишончлилиқ  $P < 0,05$  га тенг бўлди (7,1%/41,6% ва 7,1%/50% мос равишда). Бошқа клиник синдромдаги белгилар 2-кўриқда назорат гуруҳ болаларида умуман қайд этилмади. Бирок, асосий гуруҳ болаларида барча клиник синдромдаги белгилар кузатилди.

Кузатувимиздаги барча гуруҳ болаларда билиар тизим ўзгаришларида қон биокимёвий текширувида 5-нуклеотидаза ферментининг  $\gamma$ -глутамилтранспептидаза (ГГТП) ва ишқорий фосфотаза (ИФ) ферментларига нисбатан реконвалесценциянинг эрта муддатларида ошиши илк мартаба аниқланди (2-расм).



**2-расм. Кузатувимиздаги болаларнинг қон зардобидаги холестатик синдромга хос биокимёвий маркерлар ҳолати (\* -  $P < 0,05$ )**

2-расмдаги натижалардан кўришиб турганидек, 5-нуклеотидаза А вирусли гепатит билан касалланган болаларда  $117,6 \pm 19,4$  нмоль/л га тенг бўлиб, назорат гуруҳ кўрсаткичларидан 49,4% га юқори натижалар қайд этилди (назорат гуруҳида –  $60,7 \pm 3,4$  нмоль/л). В вирусли гепатит билан касалланган болаларда  $124,5 \pm 10,9$  нмоль/л ва С вирусли гепатит билан касалланган болаларда эса  $135,4 \pm 14,8$  нмоль/л натижа кузатилиб, назорат гуруҳ болаларига нисбатан мос равишда 2,05 ва 2,23 баробар юқори натижалар қайд этилди ( $P < 0,05$ ). Бундан кўришиб турибдики, С вирусли гепатит ўтказган болаларда А вирусли гепатит ўтказган болаларга нисбатан 13,2%, В вирусли гепатит ўтказган болаларга нисбатан 9,1% юқорилиги аниқланди ( $P < 0,05$ ).

УТТ натижасида 1-кўриқда А вирусли гепатит ўтказган асосий гуруҳ болаларида ўт суюқлигининг қуюқлашини 61,5%, ўт суюқлигида чўкма ҳосил бўлиши 34,8% ҳолларда аниқланди. 2-кўриқда асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан жигар тўқимаси экзогенлигининг ошиши ва диффуз катталашини белгиси 5,4 баробар (17,8% ва 3,3% мос равишда), ҳамда ўт пуфаги

деворининг қалинлашиши 7,1 баробар кўп аниқланганлиги қайд этилди (71,1% ва 10% мос равишда;  $P<0,003$ ). Ўт суюқлигининг қуюқлашиши фақат асосий гуруҳдаги 40% болаларда учради.

В вирусли гепатит ўтказган болаларда ўт пуфаги деворининг қалинлашиши ва ўт суюқлигининг қуюқлашиши белгиси асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан 2,4 ва 3,8 баробарга кўп қайд этилганлиги аниқланди (80%/33,3% ва 16,7%/64% мос равишда;  $P<0,003$ ).

С вирусли гепатит ўтказган асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан 1-кўриқда жигарнинг диффуз катталлашиши ва ўт пуфаги деворининг қалинлашиши белгилари ўртача 3,9 баробар кўп ҳолларда кузатилди (33,3%/7,1% ва 66,7%/21,4%;  $P<0,05$  ва  $P<0,003$ ). Асосий гуруҳ болаларда ўт суюқлигининг қуюқлашиши 66,7% ҳолларда, ўт суюқлигида чўкма ҳосил бўлиши 41,7% ҳолларда аниқланди. 2-кўриқда асосий гуруҳ болаларда назорат гуруҳ болаларига нисбатан жигарнинг диффуз катталлашиши ва ўт пуфаги деворининг қалинлашиши белгилари 7 ва 9,4 баробар кўп қайд этилди (50%/7,1% ва 66,7%/7,1% мос равишда;  $P<0,003$ ).

Юқоридаги клиник-лаборатор-инструментал ўзгаришларга асосланиб, кузатувимиздаги болаларда 2-кўриқда қоннинг серологик текшируви ўтказилди. Таҳлил натижаларига кўра, ЎВГА ўтказган болаларда анти-HAV-IgM (143-86,6%), ЎВГВ ўтказган болаларда HbsAg, анти-HbsIgM, HbeAg, HBV-DNA (29-78,4%), ЎВГС ўтказган болаларда анти-HCV, HCV-RNA (16-61,5%) маркерлари мусбат эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**А, В ва С ўткир вирусли гепатит билан касалланган реконвалесцент болаларда ўт суюқлигининг биокимёвий таркиби**» деб номланган тўртинчи бобида кузатувдаги болаларнинг 2-кўриқ даврида ўт чиқарув аъзолари тонуси ва ўт суюқлиги биокимёвий таркиби ўрганилди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида болаларда фракцион дуоденал зондлаш текширув усули ўтказилди. В ва С вирусли гепатит ўтказган асосий гуруҳ болаларда ўт пуфагининг гиперкинетик типда ва Одди сфинктерининг гипотонус типда бўлиши, А вирусли гепатит ўтказган асосий гуруҳ болаларда эса, аксинча ўт пуфагининг гипокинетик ва Одди сфинктерининг гипертонус ҳолатда бўлиши хос эканлиги қайд этилди.

ЎВГ ўтказган реконвалесцент болаларда ўт суюқлигининг биокимёвий таркиби таҳлил қилинганда (1-жадвал), А вирусли гепатит асосий гуруҳ болаларда назорат гуруҳ болаларга нисбатан ўт кислоталари 1,3 баробарга, билирубин 1,8 баробарга ва ХХК 1,5 баробарга ишончли камайганлиги аниқланди (172/222 мг/%; 6,5/12,0 мг% ва 2,95/4,44 ш/б мос равишда;  $P<0,05$ ). Холестерин моддасининг эса асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан 1,2 баробарга кўпайганлиги қайд этилди (60,0 ва 50,0 мг/% мос равишда;  $P<0,05$ ).

В вирусли гепатит ўтказган асосий гуруҳ болаларда ҳам назорат гуруҳ болаларига нисбатан ўт кислоталари 1,6 баробар, билирубин 2,7 баробар ва ХХК 3,2 баробарга камайганлиги кузатилди (148/232,5 мг%; 5,0/13,5 мг% ва 1,64/5,2 ш/б мос равишда;  $P<0,05$ ). Холестерин моддаси эса асосий гуруҳ болаларда назорат гуруҳ болаларга нисбатан 2 баробарга кўпайганлиги аниқланди (90 ва 44,7 мг/% мос равишда;  $P<0,001$ ).

С вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларнинг асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан ўт кислоталари 1,4 баробарга (172,3 мг% ва 243,0 мг% мос равишда;  $P<0,001$ ), билирубин 2,5 баробарга (4,5 мг% ва 11,5 мг% мос равишда;  $P<0,05$ ) ва ХХК 1,5 баробарга (3,5 ва 5,3 Ш/Б мос равишда;  $P<0,05$ ) камайганлиги ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончли эканлиги, ўт суюқлигидаги холестерин моддасининг 1,1 баробарга кўпайганлиги кузатилди, бироқ кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончли бўлмаганлиги кузатилди (49,1 ва 45,2 мг% мос равишда;  $P>0,05$ ).

### 1-жадвал

#### Ўт суюқлигининг биокимёвий таркиби

| Биокимёвий кўрсаткич | А вирусли гепатит    |                      | В вирусли гепатит   |                      | С вирусли гепатит   |                      |
|----------------------|----------------------|----------------------|---------------------|----------------------|---------------------|----------------------|
|                      | Асосий гуруҳ (n=135) | Назорат гуруҳ (n=30) | Асосий гуруҳ (n=25) | Назорат гуруҳ (n=12) | Асосий гуруҳ (n=12) | Назорат гуруҳ (n=14) |
|                      | M±m                  | M±m                  | M±m                 | M±m                  | M±m                 | M±m                  |
| ЎК (мг%)             | 172,0±11,0*          | 222,0±10,5           | 148,0±11,0          | 232,5±121,9          | 172,3±109           | 243,0±114            |
| ХЛ (мг%)             | 60,0±4,3*            | 50,0±4,0             | 90,0±6,5            | 44,7±14,3            | 49,1±14,4           | 45,2±13,3            |
| ХХК (ш/б)            | 2,95±0,25*           | 4,44±0,15            | 1,64±0,10           | 5,2±1,4              | 3,5±1,3             | 5,3±1,3              |
| БЛ (мг%)             | 6,5±0,4              | 12,0±5,9             | 5,0±0,5             | 13,5±0,5             | 4,5±0,5             | 11,5±1,3             |

Эслатма: \* - асосий гуруҳ болалар кўрсаткичлари назорат гуруҳ болалар кўрсаткичларига нисбатан ишончли ( $P<0,05$ ).

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида ўт суюқлиги 3-порцияси таркибидаги ўт кислоталар ва фосфолипидлар спектри ўрганилди. Кузатувимиздаги болаларда ўт суюқлиги таркибидаги ўт кислоталар спектри текширилганда назорат гуруҳ болаларининг ўт суюқлиги таркибига нисбатан асосий гуруҳ болаларида ишончли яққол ўзгаришлар бўлиши исботланди (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Вирусли гепатит ўтказган болаларда ўт суюқлиги таркибидаги ўт кислоталарининг спектри (%)

| Кузатувдаги гуруҳлар | А вирусли гепатит    |                      | В вирусли гепатит    |                     | С вирусли гепатит    |                     |
|----------------------|----------------------|----------------------|----------------------|---------------------|----------------------|---------------------|
|                      | Назорат гуруҳ (n=30) | Асосий гуруҳ (n=135) | Назорат гуруҳ (n=12) | Асосий гуруҳ (n=25) | Назорат гуруҳ (n=14) | Асосий гуруҳ (n=12) |
|                      | M±m                  | M±m                  | M±m                  | M±m                 | M±m                  | M±m                 |
| ГДХ                  | 46,0±9,1             | 34,2±4,1*            | 43,1±14,2            | 32,4±9,3            | 44,7±13,2            | 33,5±13,6           |
| ГХ                   | 27,4±8,1             | 41,6±4,2*            | 32,4±13,5            | 46,6±9,9            | 29,1±12,1            | 43,8±14,3           |
| ТДХ                  | 18,7±7,1             | 11,3±2,7             | 16,9±10,8            | 7,7±0,8             | 17,3±10,1            | 8,7±0,9             |
| ТХ                   | 7,9±0,7*             | 12,7±2,8*            | 9,1±0,8              | 13,3±6,7            | 8,3±1,0              | 13,0±9,7            |

Эслатма: \* - асосий гуруҳ болалар кўрсаткичлари назорат гуруҳ болалари кўрсаткичларига нисбатан ишончли ( $P<0,05$ )

А ўткир вирусли гепатит ўтказган назорат гуруҳ болаларда холат ва деоксихолат (дезокси- ва хенодезоксихолат кислота) кислоталарнинг нисбати 1:1,8 нисбатда бўлса, асосий гуруҳ болаларда 1:0,84 нисбатни ташкил этди. В ўткир вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент асосий гуруҳ болаларда бу



нисбат 1:0,67 ни назорат гуруҳ болаларда эса 1:1,4 ни ташкил этди. С ўткир вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент асосий гуруҳ болаларда бу нисбат 1:0,7 ни, назорат гуруҳ болаларда эса 1:1,7 ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишончли бўлди ( $P < 0,05$ ).

ЎВГ ўтказган реконвалесцент болаларнинг ўт суюқлиги таркибидаги умумий фосфолипидлар миқдори ҳам ўрганилди. А вирусли гепатит ўтказган асосий гуруҳ болаларда назорат гуруҳ болаларига нисбатан фосфатидилхолин (ФХ) фракциясининг миқдори 1,6 баробарга камайганлиги (40,9 мг% ва 64,5 мг% мос равишда;  $P < 0,003$ ) ва юқори токсик лизофосфатидилхолин (ЛФХ) фракциясининг деярли 3,8 баробар ошганлиги аниқланди (4,6 мг% ва 1,2 мг% мос равишда;  $P < 0,003$ ). В вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент болаларда асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан ФХ фракцияси 1,6 баробар камайган бўлса (38,5 мг% ва 61,9 мг% мос равишда;  $P < 0,05$ ), ЛФХ фракцияси 2,9 баробарга ошганлиги аниқланди (5,5 мг% ва 1,9 мг% мос равишда;  $P < 0,003$ ). С вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент асосий гуруҳ болаларда назорат гуруҳ болаларга нисбатан ФХ 1,5 баробар камайганлиги қайд этилди (36,4 мг% ва 55,7 мг% мос равишда;  $P < 0,05$ ). Асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан ЛФХ фракцияси 2,1 баробар (5,3 мг% ва 2,5 мг% мос равишда;  $P < 0,05$ ) шунингдек, СфМ фракциясининг эса 1,6 баробар ошганлиги аниқланди (16 мг% ва 11 мг% мос равишда;  $P < 0,05$ ).

Таҳлил натижаларига кўра, асосий гуруҳ болаларда ўт суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичларидан гидроксирланган ўт кислоталари билан қондаги 5-нуклеотидаза ферменти орасида коррелятив ( $r = 0,7$ ) боғлиқлик мавжудлиги кузатилди, яъни асосий гуруҳ болаларида 5-нуклеотидаза ферменти кўпайиши билан биргаликда ўт суюқлиги 3-порциясида гидроксирланган ўт кислоталар, фосфатидилхолиннинг яққол камайиши аниқланди.

**Диссертациянинг «А, В ва С ўткир вирусли гепатит ўтказган болаларда билиар тизим ўзгаришларининг клиник-лаборатор хусусиятларига ва ўт суюқлиги биокимёвий таркибига эссенциал фосфолипидлар ва глицирринин кислотасининг таъсирини ўрганиш»** деб номланган бешинчи бобида эссенциал фосфолипидларнинг билиар тизим ўзгаришларига ва глицирринин кислотасининг вирусга қарши таъсирини ўрганиш мақсадида, ЎВГ ўтказган билиар тизимида ўзгаришлари бўлган реконвалесцент болалар асосий ва назорат гуруҳ болаларига ажратилди. Асосий гуруҳни эссенциал фосфолипидлар ва глицирринин кислота (Фосфоглив) ва базис терапия қабул қилган 70 нафар А ўткир вирусли гепатит, 16 нафар В ўткир вирусли гепатит ва 7 нафар С ўткир вирусли гепатит ўтказган билиар тизимида ўзгаришлари мавжуд бўлган реконвалесцент болалар ташкил этди. Назорат гуруҳни эса фақат базис даволаш қабул қилган 65 нафар А ўткир вирусли гепатит, 9 нафар В ўткир вирусли гепатит ва 5 нафар С ўткир вирусли гепатит ўтказган билиар тизимида ўзгаришлари мавжуд бўлган болалар ташкил этди.

Фосфоглив препаратининг капсула шакли А вирусли гепатит ўтказган асосий гуруҳ болаларида 1 ой ҳамда В ва С ўткир вирусли гепатит ўтказган

асосий гуруҳ болаларида 3 ой давомида 1-2 капсуладан (бола ёшига мос ҳолда) 3 маҳал овқат вақтида ичишга тавсия этилди.

Даволашдан кейинги 3-кўриқда А вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳ болаларига нисбатан фақат оғиз қуриши ва аччиқ таъм сезиш 8,4 баробар, тилнинг қуриши ва қараш билан қопланиши 19,7 баробар ва қабзият 21 баробарга камайганлиги кузатилди (5,7%/47,7%; 2,8%/55,4% ва 1,4%/29,2% мос равишда;  $P < 0,001$ ).

В вирусли гепатит ўтказган реконвалесцент асосий гуруҳ болаларида 3-кўриқда назорат гуруҳ болаларга нисбатан оғиз қуриши ва аччиқ таъм бўлиши 12,3 баробар (6,3% ва 77,8% мос равишда;  $P < 0,001$ ), жигар ўлчамининг катталаниши ва жигарни ўртача қаттиқликда бўлиши белгилари назорат гуруҳ болаларда асосий гуруҳ болаларга нисбатан 3 баробар кўп учраганлиги аниқланди (55,6% ва 18,7% мос равишда;  $P < 0,05$ ). 4-кўриқда эса асосий гуруҳ болаларида клиник белгилардан фақат жигар катталаниши (12,5%) ва ўнг қовурға равоғи остидаги оғриқ (12,5%) белгилари кузатилди.

